

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИННИНГ МАЊНАВИЙ-
МАЊРИФИЙ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-
ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг мањнавиий-мањрифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш түғрисида» 2018 йил 4 августдаги ПҚ-3898-сон [қарорига](#) мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчилари, ходимлари, ишчи ва хизматчилари, шунингдек уларнинг оила аъзолари, мамлакатимиз ёшларининг мањнавиий-мањрифий савиясини оширишга кўмаклашиш, уларнинг мазмунли ҳордиқ олишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Маданият вазирлиги, Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси таркибида Мањнавият ва мањрифат марказини (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этиш түғрисидаги таклифи маќуллансан.

2. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ҳарбий хизматчилар ва ходимларнинг ҳарбий-ватанпарварлик туйғусини, мањнавиий савиясини ва интеллектуал салоҳиятини юксалтиришни таъминлаш, уларда мамлакатимизнинг қадимий ва бой маданияти, азалий қадриятлари, удумлари ва анъаналарига асосланган кенг дунёқарашни шакллантириш;

ҳарбий хизматчилар онгига Ватан ҳимояси ҳар бир фуқаронинг шарафли ва муқаддас бурчи эканини, миллий армиямиз билан фаҳрланиш, давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлаш учун масъулият туйғусини чуқур сингдириш бўйича чора-тадбирларни ташкиллаштириш;

ҳарбий хизматчилар, ходимлар, ишчи ва хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзоларининг маданий ҳордиқ олишларини таъминлашга кўмаклашиш;

ёшларнинг мањнавиий-мањрифий камол топиши бўйича қизиқишлиарни рўёбга чиқариш, шахсий таркиб қалбида ватанпарварлик, бурчга садоқат, Ватанимиз келажаги учун дахлдорлик хиссини ошириш, мањнавиий-мањрифий тарбиянинг самарали усусларини жорий этишга кўмаклашиш;

санъат, мусиқа ва қўшиқчилик соҳасида ёш ижодкорларнинг самарали фаолият юритиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Мањнавият ва мањрифат марказининг тузилмаси [1-иловага](#) мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Мањнавият ва мањрифат маркази офицерлар таркибининг ҳарбий унвонлари ва лавозимлар бўйича тариф разрядлари рўйхати [2-иловага](#) мувофиқ тасдиқлансан.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонига Марказнинг тузилмасига ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчиларнинг умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш хукуқи берилсин.

4. Белгиланскини:

Марказ Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясига қўшимча 63 та штат бирлиги (офицерлар — 2, сержант ва оддий аскар таркибидаги шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар — 6, ишчи ва хизматчилар — 55 нафар) ажратиш ҳисобидан ташкил этилади;

Марказ фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, пуллик хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Марказ тўгараклари ходимларининг штат бирликлари ушбу тўгараклар томонидан кўрсатиладиган пуллик хизматлардан тушадиган маблағлар хисобига сақланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг юридик шахс ташкил этмаган ҳолда Марказнинг бюджетдан ташқари жамғармасини (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансан.

Куйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

пуллик хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлар (Марказнинг тўгараклари томонидан кўрсатиладиган пуллик хизматлардан тушадиган маблағлар бундан мустасно);

юридик ва жисмоний шахсларнинг хомийлик хайриялари;

қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Белгилансинки, Жамғарманинг:

75 фоиздан кам бўлмаган маблағлари — Марказнинг моддий-техник базасини ривожлантиришга;

25 фоиздан кўп бўлмаган маблағлари — Марказнинг ҳарбий хизматчилари, ишчи ва хизматчиларини моддий рағбатлантиришга йўналтирилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг асосланган ҳисоб-китоблари асосида Марказнинг самарали фаолиятини ташкил этиш учун зарур маблағлар ажратсан.

8. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси:

икки ой муддатда Марказнинг уставини ишлаб чиқсин ва белгилangan тартибда тасдиқласин;

Марказнинг моддий-техник базасини шакллантириш чораларини кўрсин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан Марказда фаолият олиб бориш учун келган мутахассисларни хизмат уйлари билан таъминлаш юзасидан таклифлар киритсан;

бир ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун хужжатларига ушбу карордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсан.


9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони Б.Х. Ташматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 7 февраль,
ПҚ-4163-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 февралдаги ПҚ-4163-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Маънавият ва маърифат марказининг
ТУЗИЛМАСИ**



Жами	офицерлар	сержант ва оддий аскар таркибидаги ШАҲҲ	Ишчи ва хизматчилар
63	2	6	55

Изоҳ:

* — пуллик хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлар ҳисобидан сакланади.

Қавс ичидаги кўрсатилган:

1-ракам — офицерлар;

2-ракам — сержант ва оддий аскар таркибидаги шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар (ШАҲҲ);

3-ракам — Куролли Кучлар ишчи ва хизматчилари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 февралдаги ПҚ-4163-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Маънавият ва маърифат маркази
офицерлар таркибининг ҳарбий увонлари ва лавозимлар бўйича тариф разрядлари**
РЎЙХАТИ

Т/р	Лавозим номи	Ҳарбий увон	Тариф разяди
1.	Маънавият ва маърифат маркази бошлиғи	полковник	19,2
2.	Марказ бошлиғининг ўринбосари — ашула ва рақс ансамбли бошлиғи	подполковник	18,3